


МАЛЕҲО САМАРҚАНДИЙ ВА УНИНГ «МУЗАККИР АЛ-АСҲОБ» АСАРИ

doi 10.34920/2181-8207/2026/2-239

Abstract. The article examines the life and activities of Maleho Samarkandi, as well as the time, place, reasons for composition, language, manuscript tradition, sources, reliability of the sources, research history, translations, and reprints of his work “Muzakkir al-Ashab”. Furthermore, the study comparatively analyzes the role of these sources in the investigation of the political, economic, social, and cultural life during the period of the Ashtarkhanid dynasty, in relation to other contemporary sources. Based on the presented evidence, it is demonstrated that Maleho Samarkandi’s tazkiras constitute valuable historical sources for illuminating the political, economic, and social history of the Ashtarkhanid period, particularly during the reigns of Abdulaziz Khan and Subhan Quli Khan.

Keywords: Uzbek statehood, Ashtarkhanid dynasty, Baki Muhammad Khan, Vali Muhammad Khan, Imam Quli Khan, Nadr Muhammad Khan, Abdulaziz Khan, Subhan Quli Khan, tazkiras, Maleho Samarkandi, Muzakkir al-Ashab.

Аннотация. Мақолада Малеҳо Самарқандийнинг ҳаёти ва фаолияти, “Музаккир ал-асҳоб” асарининг ёзилиш вақти, жойи, сабаби, тили, нусхалари, манбавийлиги, тадқиқотлар, таржима ва қайта нашрлари очиб берилган. Шунингдек, мақолада ушбу манбаларнинг Аштархонийлар сулоласи давридаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётни ўрганишдаги ўрни шу даврда ёзилган бошқа манбалар билан қиёсий таҳлил қилинган ҳолда кўрсатиб берилган. Келтирилган далиллар ёрдамида Малеҳо Самарқандийнинг тазкиралари Аштархонийлар сулоласининг Абдулазизхон ва Субҳонқулихонлар давридаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни ёритишда қимматли манбалар эканлиги исботланган.

Калит сўзлар: Ўзбек давлатчилиги, Аштархонийлар сулоласи, Боқи Муҳаммадхон, Вали Муҳаммадхон, Имомқулихон, Надр Муҳаммадхон, Абдулазизхон, Субҳонқулихон, тазкиралар, Малеҳо Самарқандий, Музаккир ал-асҳоб.

Аннотация. В статье рассматриваются жизненный путь Малехо Самарканди, а также время, место создания, причины написания, язык, рукописные списки, источниковая база, степень достоверности источников, история изучения, переводы и переиздания его произведения «Музаккир ал-асхаб». Кроме того, в статье на основе сравнительного анализа с другими источниками периода аштарханидов раскрывается значение данного источника для изучения политической, экономической, социальной и культурной жизни указанной эпохи. На основании приведённых данных доказывается, что тазкиры Малехо Самарканди являются ценным источником для изучения политической, экономической и социальной истории периода правления аштарханидов, особенно в эпоху Абдулазизхана и Субханкулихана.

Ключевые слова: узбекская государственность, династия аштарханидов, Баки Мухаммад-хан, Вали Мухаммад-хан, Имамкули-хан, Надир Мухаммад-хан, Абдулазиз-хан, Субханкули-хан, тазкиры, Малехо Самарканди, «Музаккир ал-асхаб».



Жуманиёз Сангиров
Фанлар академияси Тарих институти, Тарихшунослик, архившунослик ва ҳужжатшунослик маркази бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Бир ярим аср ҳукмронлик қилган Аштархонийлар (1601 – 1756) даври барча манбалар ичида адабий асарлар туркумига кирувчи тазкираларни ўзида қамроб олган маълумотлари жиҳатидан энг сермаҳсулларидан бўлиб, бошқа турдаги тарихий асарлардан қолишмайди.

Малеҳо Самарқандий илк таълимни отасидан олган. Мантиқ ва фиқҳ илмидан сабоқни ҳам ундан чиқарган4. Асаридаги мантиқ ва фиқҳ илмига қилган мурожаатлари унинг ушбу илмларни жуда яхши билганини кўрсатади

Ушбу мақолада Туронда, Аштархонийлар сулоласи даврида ёзилган Малеҳо Самарқандийнинг «Музаккир ал-асҳоб» асарини кўриб чиқамиз.

Асар муаллифи Малеҳо Самарқандий 1641 йилда Самарқандда туғилган[1].

Отаси Муҳаммад Шариф шу ерлик бўлиб, ҳадис, тафсир, фиқҳ, мантиқ илмларини жуда яхши эгаллаган[2]. Олдинига Самарқанд вилояти қозиси, кейин муфтий лавозимига фаолият юритган[3]. 1670 йили вафот этган.

Малеҳо Самарқандий илк таълимни отасидан олган. Мантиқ ва фиқҳ илмидан сабоқни ҳам ундан чиқарган[4]. Асаридаги мантиқ ва фиқҳ илмига қилган мурожаатлари унинг ушбу илмларни жуда яхши билганини кўрсатади[5].

Б. Аҳмедовга кўра, Малеҳо Самарқандий Абдулазизхон мадрасасида[6] ҳам ўқиган[7]. Шу билан бирга, асардаги маълумотлар унинг дастлаб қози Абдулғафур шаҳид мадрасасида[8] таҳсил олганини кўрсатмоқда[9]. Айнан ушбу муассасада у фиқҳ, астрономия, тарих, шеъриятни янада чуқурроқ эгаллайди. «Малеҳо Самарқандий» (мафтункор) тахаллуси остида шеърлар битган.

Малеҳо Самарқандий Эрондан келгач, бир муддат Самарқанд вилояти қозиси хожа Миракшоҳ ҳузурида ишлайди. 1689 йили Самарқанд вилояти ҳокими Иброҳимбий13 уни Шайбонийхон мадрасасига мударрис этиб тайинлайди

Яхши тарбия ва таълим унинг саройга яқинлашишига асос бўлади. Дастлаб, Абдулазизхон, сўнгра Субҳонқулихон[10] эътиборига тушади. Субҳонқулихон Эронга элчи юборар экан, Малеҳо Самарқандийни ҳам элчилик таркибига киритади. Шу баҳона уч йил давомида Эроннинг Машҳад, Сабзавор, Симнон, Қум, Кошон, Исфаҳон каби шаҳарларида бўлган шоир ўша ерлик ҳамкасблар билан учрашади, уларнинг туриш-турмуши билан танишади, асарларидан парчалар олади. Ўзи ҳам бу ҳақида эслар экан, Исфаҳонда Насрободийдан[11] шеърий девонини олишга мушарраф бўлгани, аммо қайтишда, Амударёдан ўтаётганида, сувга тушириб юборганини уғулайди[12].

Малеҳо Самарқандий Эрондан келгач, бир муддат Самарқанд вилояти қозиси хожа Миракшоҳ ҳузурида ишлайди. 1689 йили Самарқанд вилояти ҳокими Иброҳимбий[13] уни Шайбонийхон мадрасасига мударрис этиб тайинлайди[14].

Ёшлигидан шеъриятга катта қизиқиши бўлган[16] Малеҳо Самарқандий «Суҳбатдошлар зикри»ни ўз ташаббуси билан[17] 1682 – 1692 йиллар оралиғида Самарқандда ёзиб тугатган[18].

Унинг ёзишга асос бўлган манбаларини учга ажратиш мумкин. Биринчиси ўтмиш ва замондош муаллифлар асарлари бўлиб, улар сирасига Мирхонднинг روضة الصفا (Поклик боғи)[19], Абдулҳаким Самарқандийнинг قنديه (Қандия)[20], Саййид Роқимийнинг تاريخ سيد راقم

1 ص. ۱۷. محمد بديع ابن محمد شريف سمرقندى. مذكّر الاصحاب. تهران. ۱۳۹۰.
2 Ўша асар. 18-бет.
3 Ўша ерда.
4 Ўша ерда.
5 Ўша асар. 106 – 108-бетлар.
6 Абдулазизхон мадрасаси — 1652 йили аштархоний Абдулазизхон томонидан қурдирилган мадраса.
7 Б. Ахмедов. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. Ташкент. 1985. С. 173.
8 Абдулғафур шаҳид мадрасаси — қози мансабида ишлаган Абдулғафур томонидан қурдирилган мадраса.
9 ص. ۴۰۱. مذكّر الاصحاب.
10 Субҳонқулихон — 1681 – 1702 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.
11 Насрободий — Малеҳо асарида ёзишича, 17 юзйилликда яшаган таниқли Эронлик шоир. Ўз девонини ёзган.
12 ص. ۱۸. مذكّر الاصحاب.
13 Иброҳимбий — 18 юзйилликнинг 80 – 90-йилларида Самарқанд вилояти ҳокими.
14 Шайбонийхон мадрасаси — 1504 йилда Шайбонийхон буйруғи билан қурилган. Аммо ҳозиргача сақланмаган.
15 Историко географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. С. 174.
16 ص. ۱۰۷. مذكّر الاصحاب.
17 Ўша асар. 19-бет.
18 Историко географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. С. 173.
19 ص. ۷۸. مذكّر الاصحاب.
20 Ўша асар. 79-бет.

(Саййид Роқим тарихи), Муҳаммад Содиқнинг «Шоирлар боғи»[21], Насрободийнинг ديوان نصرآبادی (Носирбодий девони)[22], Яҳё Себакнинг شبستان خیال (Хаёллар туни)ни киритиш мумкин. Шунингдек, у Эронга уч йиллик сафари натижасида тўплаган маълумотларидан ҳам фойдаланган[23]. Юқорида тилга олинган, Муҳаммад Содиқнинг «Шиорлар боғи» асари бугунги кунгача топилмагани[24] эса сўз кетаётган манба аҳамиятини янада оширади, деб ишонамиз.

«Суҳбатдошлар зикри»даги маълумотларнинг жуда катта бўлаги муаллифнинг ўзи кўрганларига асосланиб ёзилганини алоҳида таъкидлаган бўлардик. Буни асардаги шоирлар ҳақида маълумот берилиш жараёнидаги ишоралари орқали билиб олиш мумкин. Масалан, Исфаҳонда шоир Хозиннинг ҳуснихатини кўргани ва яхши экани[25], Муҳаммад Солиҳ билан бирга қози Абдулғафур шаҳид мадрасасида таҳсил олганларини ёдга олади[26], 1679 йили Эрон сафаридан қайтгач, Самарқандда атторлик дўкони олдида Ҳодий Бухорий[27] билан учрашгани ва шеърларини ёзиб олганини қайд этилган[28].

Муаллиф гувоҳлардан эшитганларига ҳам таянган. Жумладан, отасидан охунд Баҳромҳожи[29], Ҳиндистонда бўлиб қайтган яқинидан Боқи Тамошо[30], Бобохожа раисдан Хожа Юсуф Мазҳар ҳақида эшитганини таъбаён қилади[31]. Малеҳо Самарқандийнинг гувоҳлар отини асарида келтириши хабарнинг тўғрилигига эътибор берганини кўрсатади, албатта.

«Суҳбатдошлар зикри»нинг Ўзбекистон[32], Тожикистон, Афғонистон, Россияда нусхалари бор[33]. Биздаги 320 варақли, насталиқ хатида Туркистон қоғозига ёзилган, 12,5x18,5 ўлчамдаги 4270 саноқли нусха энг тўлиғи ва яхши сақлангани саналади.

Б. Аҳмедов асарнинг Туркистон тарихини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритган бўлса[34], Ануша Ҳасан[35], Мусавий Бажанвардий ва Муҳаммад Козим[36] ҳамда Теҳрон нашри унинг кириш қисмида Эрон тарихини ўрганишдаги қимматининг кўрсатишган[37].

Манбанинг 4270-саноқли нусхасидан фойдаланган Шамсиддин Шарафиддин ўғли 1948 йили унинг кичик қисмини ўзбек тилига таржима қилган. Тўлиқ ҳолда эса, асар Муҳаммад Тақвий томонидан 2013 йили Эронда нашр эттирилган. Бунда Эронда сақланувчи нусхалардан ташқари Тошкентдаги 58, 4270-саноқли нусхалар ҳам жалб этилган[38].

Асардаги Аштархонийлар даври тарихига доир маълумотларни тўртга бўлиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт билан боғлаган ҳолда саралаш мумкин.

Малеҳо Самарқандий келтириб ўтган гувоҳликлардан ташқи сиёсатга доир бир қанчаларига диққатни тортсак. Масалан, Абдулазизхоннинг Шоҳ Жаҳонга[39] юборган хатида «фалончи (Субҳонқулихон назарда тутилган)» икки ўртада ўрнатилган муносабатларга тўсиқ бўлганини таъкидлашдан[40] нари ўтилган эмас. Бизнинг манбага кўра, Абдулазизхон томонидан Ҳиндистонга

«Суҳбатдошлар зикри»даги маълумотларнинг жуда катта бўлаги муаллифнинг ўзи кўрганларига асосланиб ёзилганини алоҳида таъкидлаган бўлардик. Буни асардаги шоирлар ҳақида маълумот берилиш жараёнидаги ишоралари орқали билиб олиш мумкин

Манбанинг 4270-саноқли нусхасидан фойдаланган Шамсиддин Шарафиддин ўғли 1948 йили унинг кичик қисмини ўзбек тилига таржима қилган. Тўлиқ ҳолда эса, асар Муҳаммад Тақвий томонидан 2013 йили Эронда нашр эттирилган

21 Ўша асар. 123-бет.
22 Ўша асар. 21-бет.
23 Ўша ерда.
24 Ўша асар. 123-бет.
25 Ўша асар. 150-бет.
26 Ўша асар. 401-бет.
27 Ҳодий Бухорий — 17-юзйилликда яшаган бухоролик шоир.
28 مذکّر الاصحاب. ص. ۴۶۴.
29 Ўша асар. 111-бет.
30 Ўша асар. 131-бет.
31 Ўша асар. 365-бет.
32 محمد بدیع ابن محمد شریف سمرقندی. منکرالاصحاب.ШҚФ. Қўлёзмалар саноғи 258/1, 58/2, 2727/3, 2727/4, 2613/1, 4270, 8888.
33 مذکّر الاصحاب. ص. ۱۶.; Историко географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. С. 174.
34 Историко географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. С. 173 – 178.
35 انوشه حسن. دانشنامه ادب فارسي آسیای مرکزی. تهران. ۱۳۷۰.
36 موسوی بجنوردی و محمد کاظم. دایرة المعارف اسلامي. تهران. ۱۳۸۰.
37 مذکّر الاصحاب. ص. ۳۳ – ۳۶.
38 محمد بدیع ابن محمد شریف سمرقندی. مذکّر الاصحاب. تهران. ۱۳۹۰.
39 Шоҳ Жаҳон (1592 – 1666) — 1627 – 1658 йиллари Ҳиндистонни бошқарган бобурий ҳукмдор.
40 И. Низомиддинов. XVI – XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. Тошкент. 1966. 95 – 96-бетлар.



юборилган, Мир Баҳовиддин[41] бошлиқ элчиларга йўл бермаган шахс Балх ҳокими Субҳонқулихон бўлиб, элчи ва у билан бирга бўлган савдогарларнинг бор-будини мусодара ҳам қилдирган[42]. Шу тариқа, узоқ вақт Ҳиндистон билан муносабатлар узилиб қолган.

«Суҳбатдошлар зикри»да Абдулазизхон даврида Кошғар билан олиб борилган ва бошқа манбаларда[43] йўқ элчилик алоқалари ҳақида ҳам маълумот келтирилади. Танимбек[44] ўзининг номдор саркардаларини Барсхон Кошғарий номидан Абдулазизхонга хизматга юборади[45]. Бунга жавобан Абдулазизхон Мир Нуриддин Кошғарийни элчиликка тайинлайди[46].

Шунингдек, шу вақтга қадар илмий адабиётда Имомқулихоннинг Субҳонқулихон уйланиши керак бўлган қизига Абдулазизхон уйлангани, бу улар орасидаги низони янада кучайтиргани, ўша қизнинг оти аниқ эмаслиги қайд этиб келинар эди[47]. Эътиборлиси, манбадаги маълумотлардан Имомқулихон қизининг исми Зубдатнисохонимлиги аниқлаштирилиши билан бирга, унинг Абдулазизхон, Субҳонқулихон даврларида обрўйи жуда баланд бўлганини билиш мумкин[48].

Асарда марказий ва ҳудудий бошқарувдаги судур, қози, муфтий, қози аскар, раис, мунший, офтобачи ва бошқа шу каби мансабларга доир маълумотлар келтирилади. Улар ёрдамида ушбу мансабларга тайинланадиган номзодларга қўйилган талаблар ҳақида маълумот олиш мумкин. Жумладан, Абдулазизхон томонидан олий Қулбобо кўкалтош мадрасасига мударрис ва мутавалли этиб тайинланган охунд Баҳромҳожини Субҳонқулихон Бухоро вилояти судурлигига тайинлаган[49], фиқҳ илмини Бухородаги Мир Араб мадрасасида жуда яхши эгаллаган Абдулла Бухоро вилояти қозилиги мансабига лойиқ кўрилган[50], Абдулазизхон томонидан эса хаттотлик илмидан жуда яхши хабардор бўлган Мирзо Фазл муншийликка[51], мантиқ, ҳадис, тафсир, фиқҳ, математика, геометрия каби илмларни жуда яхши эгаллаган мулла Неъмат Самарқанд вилояти раислигига тайинланганлар[52]. Шунингдек, Самарқанд вилоятида қози аскар[53], Фарғона вилоятида муфтий[54] мансаби борлиги қайд этилади.

Асарда элчилик тартиб-тамойиллари ҳақида ҳам айрим маълумотлар бор. Масалан, Абдулазизхон Кошғарга ота-боболари ўша ерда туғилган Мир Нуриддинни юборган[55]. Бундан сулола даврида элчиларни танлашдаги яна бир мезон кўринади.

«Суҳбатдошлар зикри»дан иқтисодий тарих ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин. Хусусан, савдо-сотиқ, зардўзлик, бўёқчилик, тикувчилик, мисгарликнинг ўша даврдаги таниқли вакиллари тилга олинадилар. Масалан, самарқандлик Абдулла 17-юзйилликнинг таниқли савдогарларидан бўлган. Унинг

«Суҳбатдошлар зикри»дан иқтисодий тарих ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин. Хусусан, савдо-сотиқ, зардўзлик, бўёқчилик, тикувчилик, мисгарликнинг ўша даврдаги таниқли вакиллари тилга олинадилар. Масалан, Самарқандлик Абдулла 17-юзйилликнинг таниқли савдогарларидан бўлган

41 Ўша асар. 131-бет.
42 ذكّر الاصحاب. ص. ٢٧٨ – ٢٧٩.
43 Мухаммед Юсуф Мунши. Мукимханская история. Ташкент. 1956. С. 100 – 111; Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. Тошкент. 2016. 87, 107, 204-бетлар; Қожамқулибек Балхи. Тарих-и Қыпшақи. Алматы. 2017. 753 – 754-бетлер; Муҳаммад Амин Бухорий. Муҳит ат-таворих. Тошкент. 2020. 38 – 51-бетлар.
44 Танимбек — Кошғар ҳокими. Абдулазизхоннинг яқин иттифоқчиси.
45 ذكّر الاصحاب. ص. ٣٩٢.
46 Ўша асар. 392 – 394-бетлар.
47 Д. Сангирова. Бир сулола шажараси ҳақида // Шарқ машъали журнали. Тошкент. 2018. 2 сон. 37-бет.
48 ذكّر الاصحاب. ص. ١٨٠.
49 Ўша асар. 111 – 112-бетлар.
50 Ўша асар. 114 – 115-бетлар.
51 Ўша асар. 429 – 440-бетлар.
52 Ўша асар. 389 – 391-бетлар.
53 Ўша асар. 335 – 337-бетлар.
54 Ўша асар. 269-бет.
55 Ўша асар. 392 – 394-бетлар.

ота-боболари ҳам ушбу касб билан шуғулланганлар. У, асосан, Ҳиндистон билан савдо қилган[56]. Шунингдек, асарда зардўзлик ҳунари устаси Муҳаммад Амин, бўёқчилик устаси Доғий Миёнқолий[57], моҳир тикувчи мулла Муҳаммад Шафе ҳақида маълумотлар келтиради. Малеҳо Самарқандий Анвар ибн Фазлулла Кошонийни барча мисгарлар ўз даврининг энг моҳири деб билишларини таъкидлайди ва шу баҳона ўша давр мисгарлик соҳаси, ундаги асбоб-ускуналари, ишлаш тартибига тўхталиб ўтади[58].

Асарда ижтимоий тарих ҳақидаги маълумотларни ҳам учратиш мумкин. Айниқса, муаллиф 17-юзйилликда жамиятда бўлган салбий иллатлар, уларнинг аҳолига етказган зарари ҳақида Мутрибий Самарқандий сингари[59] маълумот беради. Масалан, Балхда туғилган, «Огоҳ» тахаллусида шеърлар ёзган Арабшоҳҳожи кўкнорига ўрганиб қолгани сабабли соғлиғи ва барча мол-мулкидан ажралади. 1688 йили касаллик туфайли вафот этади[60]. Самарқандда туғилган, «Фазо» тахаллусида шеър ёзган Муҳаммад Обидга отасидан кўп мерос қолади. Аммо у ҳам кўкнорига берилиши оқибатида барчасидан айрилган[61].

Шунингдек, асарда моддий қийинчиликлар сабабли бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кўчиб ўтиш ҳолатлари ҳам юз берганини кўриш мумкин. Жумладан, Самарқандда туғилган «Масиҳо» тахаллусида шеър ёзган Аваз Боқи турмушидаги моддий қийинчиликлар сабабли Самарқанддан Бухорога кўчиб ўтади[62].

Асарда энг кўп ўрин маданий тарихга қаратилган. Хусусан, Аштархонийлар даврида ҳам Бухоро, Самарқанд шаҳарлари илм-маърифат маркази мақомини сақлаб қолган. Юртнинг турли ҳудудларидан ушбу шаҳарларга таълим олиш учун келганлар. Масалан, Бухорий Қабоий қаландар, Балхий Муҳаммад Амин Афсар, Ҳисори Шодмонлик Хоксор, Муҳаммад Рафи, хожа Абдураҳмон, тошкентлик хожа Мулла Маҳжур, насафлик Ҳувайдо Самарқандий[63], Камол Фитрат Самарқандий, охунд мулла Муҳаммад Гўфтор Насафий, балхлик қози Носир, бадахшонлик Муҳаммад Шариф Закарий Бухоро мадрасларида ўқиганлар[64].

Шунингдек, қози Абдулла Беҳжат Бухородаги Мир Араб, Муҳаммад Амин Сарафроз Самарқанддаги Абу Саидхон, мулла Неъмат Нодир девонбеги ва Қулбобо кўкалтош, Муҳаммад Солиҳ Нашоий қози Абдулғофур шаҳид мадрасаларида таълим олганлар[65]. Ўз ўрнида, Боқихожа Ҳазарий Абдулазизхон, хожа Абдураҳмон Ҳисорий Шоҳий Самарқанддаги Мир Муҳаммад Али дарвеш тархон, Муҳаммад Болту Нишон Самарқанддаги Хожа Аҳрор мақбараси яқинидаги Нодир девонбеги, охунд мулла Муҳаммад Гўфтор Қулбобо кўкалтош, хожа Моҳ Бухоро ҳиёбонида жойлашган Модарихон мадрасаларида фиқҳ, тафсир, тарих, адабиёт, математика ва бошқа соҳалардан дарс берганлар[66].

Асарда Самарқанд мадрасалари тарихи бўйича ҳам маълумотлар келтирилади. Малеҳо Самарқандийнинг ёзишича, Абу Саидхон мадрасаси қурилиши Кўчкинчихон[67] томонидан бошланган. Бироқ вафот этиши сабаб қурилишни Абу Саидхон[68] давом эттирган. Аммо у ҳам оламдан ўтиши шароитида қурилишни Абдуллатифхон[69] 1539 йили тугатган[70].

Манбада Абдулазизхон ва Субҳонқулихон даврларидаги қози Абдулла Беҳжат[71], охунд мулла Муҳаммад Обид Мумтоз[72], Абдулғофур

Асарда Самарқанд мадрасалари тарихи бўйича ҳам маълумотлар келтирилади. Малеҳо Самарқандийнинг ёзишича, Абу Саидхон мадрасаси қурилиши Кўчкинчихон томонидан бошланган. Бироқ вафот этиши сабаб қурилишни Абу Саъидхон давом эттирган

56 Ўша асар. 278-бет.
57 Ўша асар. 155-бет.
58 Ўша асар. 105-106-бет.
59 نسحه زیبای جهانگیر. ص. ۲۶۰.
60 ص. ۸۸. مذکّر الاصحاب.
61 Ўша асар. 308-бет.
62 Ўша асар. 363 – 364-бетлар.
63 Ўша асар. 89 – 92, 150 – 151, 177 – 178, 231 – 232, 316, 465-бетлар.
64 Ўша асар. 294 – 304, 383 – 384, 493 – 494, 527-бетлар.
65 Ўша асар. 114 – 115, 216 – 218, 389 – 391, 401 – 402-бетлар.
66 Ўша асар. 149 – 150, 231 – 232, 412 – 423, 493 – 494, 525 – 526-бетлар.
67 Кўчкинчихон — 1510 – 1530 йиллари ўзбек давлатини бошқарган шайбоний ҳукмдор.
68 Абу Саъидхон — 1530 – 1533 йиллари ўзбек давлатини бошқарган шайбоний ҳукмдор.
69 Абдуллатифхон — 1540 – 1552 йиллари ўзбек давлатини бошқарган шайбоний ҳукмдор.
70 ص. ۲۱۷ – ۲۱۶. مذکّر الاصحاب.
71 Ўша асар. 114 – 115-бетлар.
72 Ўша асар. 347 – 354-бетлар.

Назокат[73] каби насталиқ хати усталари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

«Суҳбатдошлар зикри»да 17-юзйиллик тариқат вакиллари ҳақида ҳам айрим маълумотлар келтирилган бўлиб, ҳунарманд мулла Қурбон ўғли Бақо Самарқандда туғилган. Дарвишларча яшаб, «Тамошо» тахаллуси остида яратган шеърларида илоҳий ишқ асосий ўринда туради. Анушахон[74] Самарқандни эгаллаган вақтида сафарга отланади. Ҳаж амалини адо этиб, Ҳиндистонга боради ва қолган умрини ўша ерларда тариқат илмини ўрганишга бағишлайди[75].

Малеҳо Самарқандий ҳам илм аҳлига ҳомийлик қилган, шеърият билан шуғулланган Аштархонийларни тилга олади. Жумладан, унинг ёзишича, мулла Аршийнинг[76] айтган байти учун Боқи Муҳаммадхон олтин қалқон совға қилади[77]. «Насим» тахаллусида шеър ёзган хожа Амир Шариф доимо Абдулазизхон олдида экани алоҳида урғуланади[78]. Самарқандлик Мир Азиз раис[79] Бухорога таълим олиш учун борганида, Абдулазизхон уни моддий таъминлаганлигини қайд этади[80]. Субҳонқулихон Бухорода тахтни эгаллаганида, таниқли шоир Нойинийни[81] Балхдан пойтахтга чорлаб, унга ҳомийлик қилгани ҳам маълум[82]. Шунингдек, Малеҳо Самарқандийнинг қўшимча қилишича, Надр Муҳаммадхоннинг ўғли Қосим Муҳаммад султон ҳам шеър ёзган[83].

Субҳонқулихон эса Бухоро вилояти судурлигига тайинлайди. У шахсий ташаббуси билан Бухорода бир қанча масжид ва бинолар бунёд эттиради. Биринчи қурдирган масжиди ўзининг уйи ва Нодир девонбеги мадрасаси орасида жойлашган бўлса, иккинчи масжид Қулбобо Кўкалдошнинг ёниб кетган уйига яқин ерда бўлган

Асарда Зоҳид Самарқандий, Адо, Арабшоҳҳожи Огоҳ, Муҳаммад Амин, Абдулқайюм Алфат, Анвар, Бисмал, Боқихожа Ҳазарий, Хоксор, Доғий, хожа Фақир қаландар, Муллаиёз қаландар, Рабе, мулла Раҳмат девон Самарқандий, Муҳаммад Рафи, қози Масжидий Самарқандий, Саме Самарқандий, Муҳаммад Амин Сарафроз, мулла Абдулла, Салим, Яҳё Салтанат, хожа Абдураҳмон Хисорий, Шакар, хожа Шаҳобиддин Миёнқолий, Садр, Абдулла Унвон, саййид Камол, Муҳаммад Обид, мулла Муҳаммад Шоҳ Фикрий, Қатлий, Асад хожа Қосид, Қабоий қаландар, охунд Мавлавий Бақо Музтариб, қози Абдураҳмонҳожи, мулла Мулий, охунд мулла Муҳаммад Обид Мумтоз, Мулла Моне, Аваз Боқи Масеҳо, Хожа Юсуф Мазҳар, Муҳаммадҳожи, Муҳаммадҳожи Муқим, Абдулла Малҳам, Мухтор, қози Носир, Наимо, мулла Неъмат, хожа Амир Шариф, Мир Нуриддин Накҳат, Муҳаммад Солиҳ, Мавлоно Номий, Муҳаммад Болту Нишон, Нойиний, Абдулғофур Назокат, ҳофиз Абдулла, Абдулла Наво, Мирзо Фазл мунший, Ҳоди Бухорий, Ҳувайдо, Ягона, Маҳруқ, охунд мулла Муҳаммад Гўфтор, Мир Азиз раис, Шамим, Муҳаммад Амин, Носир Али, мулла Болтуй қаландар, мирзо Рашид Заркуб, хожа Моҳ, Муҳаммад Самий, Муҳаммад Шариф Закарий, мулла Ниёз Азимий, Аваз Муҳаммад, мулла Муҳаммад Шафе каби туркистонлик шоирлар турмуши ва шеърларидан намуналар келтирилади[84].

Масалан, Маҳдумзода мулла Ғиёсиддин ўғли охунд Баҳромҳожи бухоролик бўлиб, таълимни ҳам шу ерда олган. Адабиёт, тарихдан ташқари мантиқни жуда яхши эгаллаган. Абдулазизхон уни Қулбобо Кўкалдош мадрасасига мударрис ва мутавалли этиб, Субҳонқулихон эса Бухоро вилояти судурлигига тайинлайди. У шахсий ташаббуси билан Бухорода бир қанча масжид ва бинолар бунёд эттиради. Биринчи қурдирган масжиди ўзининг уйи ва Нодир девонбеги мадрасаси орасида жойлашган бўлса, иккинчи масжид Қулбобо Кўкалдошнинг ёниб кетган уйига яқин ерда бўлган. Макка ва Мадинага сафари давомида Мадинадаги Имомқули-

73 Ўша асар. 425 – 426-бетлар.

74 Анушахон — 1663 – 1686 йиллари ўзбек давлатини бошқарган арабшоҳий ҳукмдор.

75 ص. ١٣٠ – ١٣١. مذكّر الاصحاب.

76 Мулла Арший — «Арший» тахаллусида ижод қилган 17-юзйилликниг таниқли шоири.

77 ص. ٥٢٦. مذكّر الاصحاب.

78 Ўша асар. 395 – 400-бетлар.

79 Мир Азиз раис — Абдулазизихон даврида марказий бошқарувда раис мансабида ишлаган шахс.

80 ص. ٤٩٥ – ٤٩٤. مذكّر الاصحاب.

81 Нойиний — 17-юзйилликдаги таниқли шоир.

82 ص. ٤٢٥ – ٤٢٣. مذكّر الاصحاب.

83 Ўша асар. 309 – 311-бетлар.

84 Ўша асар. 79 – 80, 87 – 88, 88 – 89, 103 – 104, 105 – 106, 119 – 120, 149 – 150, 150 – 151, 155, 168 – 169, 171 – 172, 172 – 173, 175 – 176, 177 – 178, 202 – 206, 216 – 218, 223 – 224, 224 – 225, 225 – 226, 231 – 232, 232 – 234, 249 – 252, 269, 278 – 279, 294 – 304, 308, 307 – 308, 311 – 312, 313 – 314, 316, 329 – 330, 335 – 337, 343 – 344, 347 – 354, 357 – 358, 363 – 364, 365 – 367, 367 – 368, 368 – 369, 370 – 372, 383 – 384, 388 – 399, 389 – 391, 395 – 400, 392 – 394, 401 – 402, 408 – 409, 412 – 423, 423 – 425, 426 – 427, 427 – 428, 429 – 440, 464 – 465, 470, 483 – 493, 493 – 494, 494 – 495, 495 – 494, 514 – 515, 515 – 516, 517, 520 – 525, 525 – 526, 527, 528-бетлар.



хон қабрини ҳам зиёрат қилганига оид қизиқ маълумот ҳам бор. «Баҳром» тахаллусида шеър ёзиб, иккита девон тузган. 1687 йили вафот этган[85].

Мир Обид асли Насафда туғилиб, Бухорода таълим олиб, яшаб қолган. «Сайидо» тахаллуси остида шеърлар ёзган[86]. «Унвон» тахаллусида шеърият билан шуғулланган Абдулла, мулла Муҳаммад Амин Сарафроз, Қабоий қаландар, Муҳаммад Самий, Аваз Муҳаммад Маюс кабилар Мир Обиднинг шогирдлари бўлишган[87].

Шунингдек, асарда Туркистон шаҳарларида туғилиб, кейинчалик Ҳиндистонга бориб, ижод қилган шоирлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Масалан, ота-боболари асли тошкентлик бўлган Ибодулла Самарқандда туғилган, таълимни ҳам шу ерда олган. 1679 йили Ҳиндистонга сафар қилади ва Бобурийлар саройига хизматга киради. «Имтиҳон» тахаллуси билан шеърлар ёзади[88].

Шундай инсонлардан яна бири Насаф вилоятилик мавлоно Надр Бухорода таълим олган, «Огоҳ» ва «Дастур» тахаллусларида шеърлар битган. Абдулазизхон тахтдан воз кечиб, Макка ва Мадинага отланганида унга ҳамроҳлик қилган. Малеҳо Самарқандийнинг ёзишича, мавлоно Надр Исфаҳонда Шоҳ Сулаймон[89] номига шеър ёзиб, олтин совғалар билан сийланган. Ҳаж амалини ўтагач, мавлоно Надр Ҳиндистонга Аврангзеб[90] ҳузурига боради. Аврангзеб уни Кобул вилоятига қози қилиб тайинлайди. Қолган умрини ўша ерда қозилик мансаби ва ижод билан шуғулланиб ўтказади[91].

Шунингдек, асарда Абдулазизхон билан ҳам ҳаж амалини адо этиш учун кетган, қайтишда Ҳиндистонга бориб, ўша ерда яшаб ижод қилган Муҳаммад Солиҳ, Ломе Насафий, ҳожи Яҳё, Муфид ҳақида батафсил маълумотлар берилади[92].

Малеҳо Самарқандий ҳам қўшни ҳудудлардан келиб, ижод қилган олимлар ҳақида ҳам ёзади. Ота-боболари кошғарлик бўлган Мир Нуриддин Самарқандда таълим олади, ижод билан шуғулланади. «Накҳат» тахаллусида шеър ёзади[93].

Ниёз ҳам кошғарлик бўлиб, илк сабоқларни она шаҳрида чиқаргач, Балхга келади ва диний ҳамда дунёвий илмларни ўрганиш билан машғул бўлади. «Ниёз» тахаллусида шеърлар битади[94].

Асарда Аштархонийлар даврида Самарқандда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам, кам бўлса-да, гувоҳликлар бор. Жумладан, Малеҳо Самарқандий Боқи Муҳаммадхон томонидан Самарқандда гумбаз қурилгани ва у ер Самарқанднинг ҳайит байрами ўтказиладиган жой экани, Нодир девонбеги Самарқандда кўприк қурдирганини тарих саҳифларига тамғалаб кетган[95].

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги адабий асарлар туркумига кирувчи қурама тазкираларнинг таҳлили, Аштархонийлар даврини ўрганишда тазкиралар бошқа турдаги тарихий асарлардан қолишмаслигини тасдиқлайди. Уларда келтирилган маълумотлар давлат бошқаруви, ташқи сиёсат, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо, ижтимоий қатламлар, аҳолининг ижтимоий аҳволи, кундалик ҳаёт, маданият, таълим, илм-фан, меъморчилик билан боғлиқ масалаларни ёритишда катта аҳамият касб этадилар. ■

Туркистон шаҳарларида туғилиб, кейинчалик Ҳиндистонга бориб, ижод қилган шоирлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Масалан, ота-боболари асли тошкентлик бўлган Ибодулла Самарқандда туғилган, таълимни ҳам шу ерда олган. 1679 йили Ҳиндистонга сафар қилади ва Бобурийлар саройига хизматга киради

Малеҳо Самарқандий ҳам қўшни ҳудудлардан келиб ижод қилган олимлар ҳақида ҳам ёзади. Ота-боболари кошғарлик бўлган Мир Нуриддин Самарқандда таълим олади, ижод билан шуғулланади. «Накҳат» тахаллусида шеър ёзади

85 Ўша асар. 111 – 112-бетлар.
86 Ўша асар. 220 – 223-бетлар.
87 Ўша асар. 278 – 279, 316, 526, 528-бетлар.
88 Ўша асар. 93 – 94-бетлар.
89 Шоҳ Сулаймон (1648 – 1694) — 1666 – 1694 йиллари Эронни бошқарган сафавий ҳукмдор.
90 Аврангзеб (1618 – 1707) — 1658 – 1707 йиллари Ҳиндистонни бошқарган бобурий ҳукмдор.
91 مذكّر الاصحاب. ص. ١٥٣ – ١٥٥.
92 Ўша асар. 333 – 335, 401 – 402, 465 – 466, 467 – 469-бетлар.
93 Ўша асар. 392 – 394-бетлар.
94 Ўша асар. 400 – 401-бетлар.
95 Ўша асар. 477-бет.